Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 11 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (13.200)

Баҳоси эркин нархда

25 MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Темур Мамадаминов олган суратлар

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ТАШХИС ПОЛИКЛИНИКАСИ ЗАМОНАВИЙ БИНОДА

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат-ташхис поликлиникаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Ўз йўналиши бўйича етакчи даволаш-профилактика ва илм-фан муассасаларидан бири бўлган мазкур марказда замонавий технологиялар воситасида ички аъзолар касалликлари эрта босқичда аниқланмоқда.

Электронейромиография жаҳон тиббиётидаги энг янги самарали усуллардан бири. Асаб тизимлари касалликларини барвақт аниқлаш имконини берувчи ушбу замонавий усул мазкур маслаҳат-ташхис поликлиникасида ҳам жорий этилди, бу борада қўлланиладиган янги технология – электромиограф аппарати билан жиҳозланди. Мутахассислар ушбу технологиядан фойдаланиш бўйича тараққий этган хорижий мамлакатларда малака оширди. Мазкур технологиядан нафақат неврология, балки эндокринология, ревматология, кардиология, травматология ва ортопедия йўналишларидаги касалликларни эрта босқичларда аниқлашда унумли фойдаланилмоқда.

– Кейинги пайтларда бошим оғриб, ҳолсизлик, иштаҳасизликдан қийналаётган эдим, – дейди тошкентлик Аббос Зойиров. – Оила шифокоримизга мурожаат қилсам, ушбу марказни тавсия этди. Бу ерда чуқур текширувдан ўтдим. Шифокорларнинг айтишича, қонтомирларимда атеросклероз ривожланаётган экан. Бу касаллик қанча барвақт аниқланса, шунча самарали даволанар экан.

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида юрак қон-томир касалликларини даволашнинг янгича усуллари ўзлаштирилди. Коронор артериялар ангиопластикаси ва стентлаш амалиёти бунга мисолдир. Шундай операцияларни ўтказиш мақсадида бу ерда интервенцион кардиология бўлими ташкил этилди. Операция хоналари янги тиббий асбобускуналар билан жиҳозланди.

Ҳозирги кунда давлат гранти бўйича ўнга яқин илмий изланишлар олиб борилмоқда. Улар юрак қонтомир, ўпка, нафас йўллари, суяк-бўғим, ошқозон-ичак касалликларини барвақт аниқлаш, тиббий реабилитация хизматини янада ривожлантиришга қаратилган.

Марказда реконструкция ва модернизация ишлари давом этмоқда. Физиотерапия ва бальнеология бўлимлари замонавий андозалар асосида таъмирланмоқда. Бундай ишлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширади.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ХИТОЙЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат тизимлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилаяпти. Қисқа давр ичида бу борада салмоқли натижаларга эришилдики, улар дунё экспертлар ҳамжамияти томонидан ўз эътирофини топиб, атрофлича ўрганилаётир.

Хусусан, **Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети** вакиллари "Жаҳон" ахборот агентлиги учун берган интервьюлари чоғида Ўзбекистоннинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида орттирган тажрибаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Жумладан, ушбу олий ўқув юрти ҳузуридаги **Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази ижрочи директори Чжан Цзили** Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганини маълум қилар экан, мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида эътиборга молик қадамлар ташлаётганини айтди.

— Республика сўзда эмас, балки амалда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини либераллаштириш ҳамда демократлаштириш билан боғлиқ ўзгаришларни амалга ошираяпти, — деди эксперт. — Фуқаролик институтлари ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларнинг қабул қилинаётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23-моддаси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди.

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 8 июлдаги кенгайтирилган йиғилишида мазкур сайлов натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлимлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда талабчанликни кучайтириш мактабига айланди.

Бу галги фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий шароитда бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда мамлакатимиз аҳолиси ушбу жараённинг мазмун-моҳиятини чуқур тушунишларини ҳамда ижтимоий фаоллигини кўрсатиб, ўз маҳалласи учун масъулиятини, жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга дахлдорлигини яққол намойиш этди.

Сайловни юқори ташкилий савияда ташкил этиш ва ўтказиш, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларига мувофиқ фуқаролар йиғинларининг органларини шакллантиришда кенг иштирок этиш борасидаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарори билан Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси тузилди, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси тасдиқланди, унга мувофиқ аҳоли ўртасида соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил қилиш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича комиссиялар, 9764 та фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши Комиссияси томонидан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи ҳудудий, туман ва шаҳарлар комиссиялари ҳамда ишчи гуруҳлари аъзолари учун соҳага оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳамда сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини тушунтириш бўйича 1600 та семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда фуқаролар йиғинлари, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларга услубий ёрдам сифатида Сенат Кенгаши Комиссияси томонидан тегишли брошюралар, сайлов ҳужжатлари намуналари, методик тавсиялар тайёрланди ва тарқатилди. Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жойларда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлар учун ҳудудий семинар-тренинглар ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Бу – менинг Ватаним" деб номланган кўргазма очилди.

● Фарғона вилоятида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда. Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги Ватан, тинчлик, дўстлик ва ёшликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янада байрамона кайфият бағишлади. Бундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

● Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан ўтказилаётган "Ишбилармон талаба – 2016" стипендияси кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танлов иштирокчилари ўзлари тайёрлаган маҳсулот ва ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини намойиш этиб, бизнес-режа ва лойиҳалар тақдимотини ўтказди.

● Қаршида "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" II республика ёш тадбиркорлар бизнес-форумининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ёш тадбиркорлар, давлат органлари, тижорат банклари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Канаданинг Онтарио провинциясидаги фермалардан бирида парранда гриппи вируси аниқланганлиги туфайли 14 мингга яқин ўрдак йўқ қилинади. Сўнгги ўн йил ичида парранда гриппининг авж олиш ҳолати тўртинчи марта кузатилмоқда. Биринчи марта хавфли вируснинг Канадада аниқланиши 2004 йилда қайд этилган. Ўшанда Британия Колумбиясида 15 миллион, деярли барча уй паррандаси йўқ қилинганди.

● NASA олимлари Валькирия деб номланган янги робот-гуманоидни тайёрлашди. Инсонлар ўрнига Марс сайёрасига учириш мўлжалланган ушбу роботнинг кўриш, тушуниш ҳамда илғаш қобилияти жуда юқори. Маълумотларга қараганда, Валькириянинг танасида лазерли радар бўлиб, у нур орқали ўртадаги масофани ўлчаш имкониятига эга. Ушбу робот-гуманоидни Марсга беш йилдан кейин учириш режалаштирилмоқда.

● Буюк Британияда олди, орқа, чап ва ўнг томонга бурила оладиган универсал ғилдирак яратилди. У автомобилга оддий шиналар каби ўрнатилади ва ҳар қандай йўл ҳамда об-ҳаво шароитида ҳаракатланади. Кашфиёт муаллифи Вильям Лиддиард ғилдиракнинг тайёрланиш технологияси ҳозирча сир эканлигини маълум қилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

А Х Б О Р О Т

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини тушунтириш, шунингдек, сайлов жараёнларини самарали ташкил этиш масалалари бўйича марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет нашрларида 1880 та материал чоп этилди, 2014 та телекўрсатув, 2500 дан ортиқ радиоэшиттиришлар, 10 та ижтимоий ролик тайёрланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишга ҳар томонлама кўмак беришди, зарур ҳолларда бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлади.

Амалга оширилган ишлар аҳолининг сиёсий онгини юксалтиришда ва сайловларни ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида ўтказишда, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари этиб энг муносиб фуқароларнинг сайланишида муҳим роль ўйнади.

Умуман, сайлов жараёнларида 9764 нафар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг 105 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланди.

Янги сайланган раисларнинг 73,6 фоизи олий маълумотли, 82,4 фоизи давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимида ва тадбиркорлик соҳасида бошқарув иш тажрибасига эга, 67 фоизи ушбу лавозимга биринчи марта сайланди. Раисларнинг 865 нафари аёллардир.

Шунингдек, сайланган фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчиларининг 51,1 фоизи олий маълумотга эга бўлса, 25,4 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларнинг 53,3 фоизи ушбу вазифага биринчи марта сайланди.

Сайлов натижалари таҳлили аҳолининг сайлов жараёнларида ижтимоий фаоллиги ошганлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ўрни муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Масалани муҳокама қилиш чоғида йиғилиш қатнашчилари янги сайланган фуқаролар йиғини раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижросига қаратилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий, ахборот-тушунтириш тадбирлари дастурини, шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишлари муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Сенат Кенгаши сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари органларини шакллантириш, шу жумладан, фуқаролар йиғинлари Кенгашларини, фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича комиссияларни ва тафтиш комиссияларини сайлаш, шу билар бирга, янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари учун соҳага доир қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларни тушунтириш бўйича ўқув семинарларни ташкил этиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шу куннинг ўзида Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОННИНГ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ ХИТОЙЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўнгги йилларда Шанхайда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон тажрибасининг муҳокамасига бағишланган қатор давра суҳбатлари ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Хитой экспертлар ҳамжамияти юртингизда амалга оширилган кенг қамровли демократик ислоҳотлар мамлакатингизнинг халқаро обрў-эътиборини янада юксалтиришга кўмаклашгани юзасидан яқдил фикр билдиришаяпти. Биз диёрингизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган тараққиёт даражасини юқори баҳолаймиз. Қолаверса, мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ҳам ривожланишнинг "ўзбек модели" ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётгани натижаси, деб ҳисоблаймиз.

Ўз навбатида, **Марказий Осиё мамлакатлари тадқиқотлари маркази ижрочи директори ўринбосари Ян Бо** кенг миқёсли ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистонда фуқаролик институтлари мақомининг янада мустаҳкамланишига алоҳида ҳисса қўшаётганини қайд этиб, мамлакатимиздаги ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига юқори баҳо берди.

— "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" концепцияси маҳалла институти фаолиятида амалий жиҳатдан мужассам эканлигини кўрдик, — деди у. — Ўзбек маҳалласи ўз ҳудудида турли масалаларни ҳал қилиш учун давлат органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган муҳим тизимга айланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари ўз тажассумини топган — баркамол авлодни тарбиялаш, оилани ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда тинчлик ҳамда ҳамжиҳатликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистонда ўз вақтида қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун давлат ва жамият ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни янада мустаҳкамлаши, шубҳасиз. Бинобарин, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти фуқаролар сиёсий онгининг ўсишини кучайтириши билан бирга, давлат олиб бораётган сиёсатнинг аҳоли томонидан теран англанишига кўмаклашади.

"Жаҳон" АА.
Шанхай

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда "Ўзавтосаноат" АК тизимидаги 35 дан ортиқ корхоналар енгил ва юк автомобиллари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқармоқда.

Улар орасида "O'z-Tong Xong" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳам ўз ўрнига эга. Мазкур корхонада Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар учун бутловчи қисмлар, хусусан, сифатли ўриндиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона йилига 250 минг автомобиль ўриндиқларини ишлаб чиқариш салоҳиятига эга.

Ўтган йиллар давомида корхона жамоаси "Nexia", "Damas", "Matiz", "Spark", "Lacetti", "Cobalt" автомобиллари учун ўриндиқлар ишлаб чиқариш билан бирга, турли халқ истеъмоли моллари, жумладан волейбол, баскетбол, футбол ва теннис коптоклари, спорт оёқ кийимлари, электр иситгичли одеяллар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди. Бу эса юртимиздаги спорт ташкилотлари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг, умуман олганда юртдошларимизнинг сифатли коптоклар ва спорт оёқ кийимларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган 2015 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб корхонада янги русумдаги "Nexia" автомобили учун ҳам ўриндиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

"Туркистон-пресс"

Танлов

КЕКСАЛАР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Миллий матбуот марказида "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган "Кексаларимиз – бебаҳо бойлигимиз" лойиҳаси якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кексаларни эъзозлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда мавқеини юксалтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамиятимиздаги барқарорлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

"Кексалар – бебаҳо бойлигимиз" лойиҳасидан кўзланган мақсад мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, ёши улуғ инсонларнинг бой ҳаётий тажрибасидан навқирон авлод камолотида оқилона фойдаланиш, ёш авлодни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялашдир.

Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан давлат ижтимоий буюртмаси сифатида молиялаштирилган ушбу лойиҳа доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини ёритиш бўйича журналистлар ўртасида танлов ўтказилди.

Мазкур танловда олтмишга яқин журналистлар икки юздан зиёд публицистик материаллари билан иштирок этди. Тадбирда танлов ғолиблари ва совриндорлари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ТАДБИРКОРГА "ЯГОНА ДАРЧА" ХИЗМАТИ

Юнусобод тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида "Ягона дарча" марказлари томонидан олиб борилаётган ишлар бўйича мутасадди идора ва вазирлик, бошқарма ва ташкилотлар масъул ходимлари иштирокида ўқув-семинари ташкил этилди.

Дастлаб, иштирокчилар янгидан реконструкция қилинган, барча шароитларга эга Юнусобод тумани "Ягона дарча" маркази фаолияти билан таништирилди. Бугунги кунда бу ерда тадбиркорлик субъектлари учун 16 та давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Тадбиркор "Ягона дарча" марказига ариза топширганидан сўнг, 3 кун ичида рўйхатдан ўтиб, сертификат ёки тегишли рухсатнома олиши мумкин.

Шундан сўнг, семинар иштирокчиларига қонунчиликдаги янгиликлар юзасидан тақдимот ўтказилди.

Қайд этилдики, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмини такомиллаштириш борасида пойтахтимизда бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш, улардан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида республика бўйича 194 та "Ягона дарча" марказларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан белгилаб берилди.

Ўқув-семинарида ушбу йўналишдаги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Тадбиркорлик субъектлари аризаларига хизмат кўрсатиш жараёни, "Ягона дарча" маркази фаолиятининг механизми, қонунчиликдаги янгиликлар семинар иштирокчиларига тушунтириб ўтилди. Маълумки, бугунги кунда юртимизда тадбиркорлик субъектларининг иш бошлаши учун амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

— Дунёнинг 189 мамлакатидаги тадбиркорлик муҳитини бир хил мезон асосида баҳолаш учун Жаҳон банки томонидан "Doing business" – бизнес юритиш қулайлиги рейтинги ҳар йили тузилади. Рейтинг методикаси асосида мамлакатлар 10 индикатор бўйича баҳоланади, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги компьютерлаштириш маркази директори Маҳмуд Асомов. - Жаҳон банкининг 2015 йил октябрь ойида тақдим этилган "Doing business - 2016" ҳисоботида Ўзбекистон рейтингда 141 поғонадан 87 поғонага кўтарилди.

Ўқув-семинарида ягона дарча фаолиятида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш механизмлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди. Иштирокчилар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

З.ШАРИФЖОНОВ



Интеллектуал ёшлар — келажагимиз

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ФОЙДАЛИ МАШҒУЛОТЛАР

"Баркамол авлод" болалар марказларининг экология ва ўлкашунослик тўгараклари аъзолари бу йилги ёз мавсумида ҳам юртимизнинг сўлим гўшаларига саёҳат қилиб, ноёб ҳайвонот ва наботот олами билан танишиши мумкин.

Айни пайтда мамлакатимиздаги 200 дан зиёд "Баркамол авлод" болалар маркази Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги "Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ фаолият юритмоқда. Уларда бадиий ва техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология бўйича юзлаб тўгараклар ишлаб турибди.

– Болалар онгига табиатни севиш, асраб-авайлашни ёшлигидан сингдириб бориш зарур, – дейди "Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази директори Л.Эшмирзаева. – Ўқувчилар Ватанимиз тарихи ва маданий мероси, табиий бойликларимизни ўрганмоқда, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида билимини бойитмоқда.

Бугунги кунда "Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида 365 ўғил-қиз шуғулланмоқда. Бу ерда болаларга ботаника, биология, табиатшунослик ва экология бўйича билимини бойитиш ва ижодий қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашадиган турли тўгараклар ишлаб турибди. Ушбу йўналишларда ёш экскурсовод, ўлкашунос, эколог, табиатшунос, зоологлар ҳамда музейшунослик тўгаракларини фаолият кўрсатмоқда.

– Ҳар йили ўқувчилар билан биргаликда марказ ҳудудида безак учун ишлатиладиган турли қовоқлар экамиз, – дейди ЎзА мухбирига экодизайн тўгараги раҳбари С.Ҳайдаров. – Болалар уларни парвариш қилиш, териб олиш, ишлов бериш ва қуритишни ўрганмоқда. Тайёрланган маҳсулотдан болалар ўз тасаввури бўйича истаган буюмларини ясамоқда. Устахонамизда бундай қовоқлардан ясалган турли чироқлар, ёритгичлар, деворга осиладиган ва стол соатлари, безатилган вазалар ва мусиқа асбобларини кўриш мумкин.

Марказда ҳар йили Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизга экскурсиялар ташкил этилиб, болалар ушбу шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, табиат ёдгорликлари, мустақиллик йилларида бунёд этилган объектлар билан танишмоқда. Шунингдек, тўгарак аъзолари турли саёҳатлар, махсус ўлкашунослик ва экологик акциялар, бошқа тадбирларда ҳам иштирок этаётир.

Ёз мавсумида барча вилоятларда тўгаракшунос, ўлкашунос ва бошқа мутахассислар учун тренинг ҳамда семинарлар ўтказилади. Масалан, ўтган йили Чимёнда ташкил этилган "Эко – 2015" эко-ўлкашунослик оромгоҳида турли ҳудудлардан келган болалар дам олди. Жорий йилда "Баркамол авлод" марказлари ўқувчилари ўртасида энг яхши экологик лойиҳа танлови ўтказилмоқда. Танлов ғолиблари "Эко – 2016" эко-ўлкашунослик оромгоҳига йўлланма олади.

Марказда ўқув-тарбия ишлари такомиллаштирилиб, замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилмоқда, янги ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилмоқда.

Жорий йилда "Баркамол авлод" республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази ўқувчилари 11 халқаро танловда ғолиб бўлди. "Биз – тинчлик учун" халқаро ёшлар экологик танлов-кўргазмаси, "Қизил китоб – ёшлар нигоҳида" халқаро танлови каби танловларда 7 совринли ўринни эгаллади.

"Баркамол авлод" марказлари болаларнинг нафақат қизиқарли ва мазмунли дам олиши, балки жонажон табиатга меҳр қўйиши, уни асраб-авайлаш кўникмасини шакллантиришга хизмат қиладиган мактабдир.

Р.БОНДАРЧУК

Мунаввар тонг отмоқда... Субҳидамда эсаётган салқин шамолнинг майинлиги нақадар ёқимли. Атрофда маъсум сокинлик. Ям-яшил дарахтлар, қалин майсалар узра тўкилган мевалар, энг нафис турфа гуллар маҳлиё этади. Қушлар шодон вижирлайди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автоларнинг дарёдек тошқини билан шаҳар "уйғонади". Шовқинли шаҳарда биллурий томчиларни беармон сочаётган фавворалар қаршисига яқинроқ келсангиз "сирлашиш"дан чарчамайди. Мағрур савлат тўкиб турган кўпқаватли, кўркам уйлар, сўлим истироҳат боғларига қуёш зиёси инади.

ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ САМАРАСИ

Тинчи бор элнинг толеи кулади дейдилар. Шубҳасиз, бу серзавқ, бахтиёр онлар аввало энг буюк неъмат – тинчлик-осойишталик ҳукмронлиги эвазига. Осойишталик бор жойда байрам, бахтиёр кунлар кўп мазмун топади. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида истиқлолимизнинг 25 йиллик тантаналарини муносиб кутиб олиш ва ўтказиш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгилаб берилганлиги унинг масъулиятини янада оширди. Бугун ҳар бир юртдошимиз мамлакатимиз ҳаётида, ўз тақдирида юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ва ривожланишнинг бош омили Мустақиллик экани, ҳурлик туфайлигина мана шундай ёруғ кунларга етганимизни яхши англайди.

Шунингдек, бу ҳурлик юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш имкониятини яратди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ҳам "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигини муносиб кутиб олинишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида амалга ошириладиган ташкилий амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури" тасдиқланди.

Маълумки, ички ишлар органларининг ходимлари ўз соҳалари бўйича юртимизда қонунчиликни, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни фош этиш, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминламоқдалар.

Албатта, Мустақиллик биринчи навбатда ёшларимизга янгича фикрлаш, чуқур билим олиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаш имконини берди. Бугун улар барча соҳаларда етакчи бўлишга, ҳаётда ўз ўринларини топишга интилмоқдалар. Аммо, айрим ёшлар ўзларига яратилган шароитдан тўғри фойдаланиш ўрнига вақтларини, энг қимматли умр дақиқаларини интернет клубларда, мусиқа майдончаларида, шубҳали даврааларда, ҳар хил оқимларга кўр-кўрона эргашиб, ўзларини ва ота-оналарини ғавғоларга қўйиб самарасиз ўтказаётган айрим ёшлар ҳам учраётгани афсусланарли ҳол.

Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ва унинг жойлардаги тизими ходимлари томонидан ушбу йўналишда самарали профилактик ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳар хил кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқмаслиги ва жиноят содир этилмаслиги учун мамлакатимизда вояга етмаган шахсларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракат ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишларини ҳамда уларнинг дам олиш жойларида тунги вақтда бўлишларига йўл қўймасликка қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими, халқ таълими бошқармалари масъул ходимлари, турли соҳа вакилларидан иборат таркибда тузилган мониторинг гуруҳлари томонидан 14.241 маротаба рейдлар ташкил этилди. Ўтказилган рейдлар мобайнида асосий эътибор учта йўналишга, яъни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этиб юрган, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда ота-онаси ёки улардан бирининг кузатувисиз кўнгилочар жойларда тунги вақтда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга қаратилиб, тегишли мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ташкилий ҳамда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, биринчи йўналиш бўйича ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этиб юрган вояга етмаганларни аниқлаш мақсадида бозорларда, марказий кўчаларнинг чорраҳаларида, ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ва бошқа шу каби кўнгил очиш жойларида, шунингдек ҳуқуқбузарликка мойил, қаровсиз, назоратсиз юрган вояга етмаганлар тўпланиши мумкин бўлган бошқа жойларда 4.244 маротаба ҳамкорликдаги рейдлар ўтказилиб, тиламчилик билан шуғулланиб юрган 214 нафар, спиртли ичимликлар истеъмол қилган 31 нафар, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган моддалар қабул қилган 33 нафар, бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган 827 нафар, жами 1.1005 нафар вояга етмаганлар аниқланиб, рўйхатлар тузилган.

Масъул этиб бириктирилган ходим ва хизматчилар томонидан учинчи йўналиш бўйича ўтказилган рейдлар натижасига кўра, 484 нафар вояга етмаганларнинг тунги вақтларда ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг кузатувисиз кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлганликлари аниқланди. Вояга етмаган шахсларни тунги вақтларда кўнгил очиш (дам олиш) жойларида бўлишига йўл қўйганлиги учун 216 нафар мазкур муассаса раҳбарларига нисбатан қонуний тарзда ҳужжатлар расмийлаштирилиб улардан 75 миллион 361 минг 891 сўм миқдорида жарима ундирилган.

Умуман олганда, вояга етмаган шахсларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракат ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишларини ҳамда уларнинг кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда бўлишларининг олдини олиш борасидаги ижобий ишлар кўп, албатта. Ҳар қандай эзгу орзу ва мақсадлар билан амалга оширилган ишларнинг ортида ижобий кўрсаткичга эришиш умиди бўлади. Бугун тинчликни асраш фақат бевосита "шунга жавобгар касб эгаларининг вазифаси" деган ўйга борадиганлар янглишадилар. Мустақил мамлакатимизнинг 25 йиллик улуғ тантаналари арафасида турибмиз. 25 йил... Навқирон ва забардаст йигитнинг умри. Ҳали олдинда марралар кўп. Ишонч, эътиқод, ташаббус, изланиш, интилиш, сабр биз билан экан, марра бизники. Бу ўз-ўзидан эмас. Ҳар бир кунимиз тарихга айланмоқда. Шундай экан, уни қадрлаш, ҳимоя этиш, тўғри йўлга солиш, шу юртда яшаётган барча эзгу ниятли инсонларнинг чин одамийлик вазифаси, ватанпарварлик бурчидир. Чунки, эртанги келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори, бугунги тинч тонгларимиз, ҳароратли қуёшимизнинг қайноқ нурларига ва албатта ёшларимизга, ўзаро ҳамкорликдаги ишларимизда жиддий эътибор ва масъулият билан ишлашга боғлиқ.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ,
ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси ходими

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

I.Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 38-уй манзилида жойлашган умумий майдони 230 кв. метрга тенг бўлган бир қаватли бинонинг ертўласи (ошхона).

Бошланғич нархи – 488 085 035 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

II. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томон, 13а-уй манзилида жойлашган бино қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

